



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz


2009 йил 16 июль, № 140 (4803)

Пайшанба

«МУСТАҚИЛЛИК БИЗ УЧУН — ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ, ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА
БАРҚАРОРЛИГИНИНГ, ИНСОН МАНФААТИ, ЭРКИНЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ,
БИЗ КЎЗЛАГАН ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ГАРОВИДИР»

Наманган:

Фидойилик ва юксак салоҳият дийри



18 йил
Аграр йўлингиз Фарона водийсига тушгудек бўлса, ушбу заминни пойтахт ҳамда бошқа ҳудудлар билан боғловчи Қамчиқ довонидан ўтган йўл сизни дастлаб Наманган вилоятига олиб киради. Шу ерданок гўзал табиати, боғу роғлари, йўл бўйларига экилган турфа гуллар мазкур вилоят ҳақидаги илк тасаввурингизни уйғотади. Узаро суҳбатларда одамларнинг мустақиллик берган улкан имкониятлардан баҳраманд бўлиб, шукроналик ҳисси билан яшаётганига амин бўласиз. Дарвоқе, аини шу кунларда бошқа жойларда бўлгани каби наманганликлар ҳам истиқлолимизнинг катта тўйига муносиб ҳозирлик кўрмоқдалар.



Хотам МАМАДАЛИЕВ олган сурат.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, жумладан, иқтисодий таркибни ўзгартириш борасидаги саъй-ҳаракатлар Наманганда ҳам ўз натижаларини бермоқда. Биргина мисол. Яқин тарихга назар ташлайдиган бўлсак, ўтган асрнинг охиригача чоррағида вилоят иқтисодиётининг

асосини аграр соҳаю вилоят марказида фаолият кўрсатган саноклига тўқимачилик корхоналари ташкил этарди. Бундан гўёки; минтақада фақатгина ёнгил санокли ривожлантириш мумкин, деган тушунча ҳукм сурганини илғаш қийин эмас. Бироқ, мавжуд шароит ва имкониятлар, меҳнат-сева, ишинг кўзини билдирган

мутахассисларнинг кучи мураккаб ишлаб чиқариш турларини ўзлаштириш учун ҳам бемалол этишни ҳам талаб қиларди. Бошқача қилиб айтганда, ўша нотўғри ёндашув мустақиллик шарофати билан барҳам топди. Айтилсин, «Наманганмаш» акциядорлик жамиятида тайёрланаётган нефть ва газ санокли учун мўлжалланган 32

турдаги сурма қопқоқ ҳамда бошқа бутловчи жиҳозларга бугун нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам талаб юқори. «Намимплекстекстиль» масъулияти чекланган жамиятида эса калава инпинг хорижий тўқимачилик корхоналари учун зарур бўлган турлари ишлаб чиқарилиб, маҳсулот юз фоиз четга сотилапти. Чуст туманида

мармарни қайта ишловчи ноёб корхонанинг фаолият бошлаганига ҳам анча бўлди. Этиборлиси, эндиликда барқарор фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг асосий қисмини кичик бизнес субъектлари ташкил этаяпти.

(Давоми 2-бетда).

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси IATA — Халқаро ҳаво транспорти ассоциацияси томонидан ишлаб чиқилган IOSA (IATA Operation Safety Audit) эксплуатация хавфсизлиги халқаро аудит дастурида кўзда тутилган талабларга мос равишда фаолият кўрсатаётгани боис махсус сертификат билан тақдирланди. Этиборли жиҳати шундаки, бундай эътирофга МДХ давлатлари орасида ҳозирга қадар фақат Россия авиакомпанияси сазовор бўлган эди, холос.

МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯМИЗ — ХАЛҚАРО СЕРТИФИКАТ СОҲИБИ

Албатта, халқаро ташкилотларнинг бу каби баҳола-рига ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ. Мамлакатимизда ис-тиқлол йилларида барча со-ҳалар қатори авиация тизи-мини ривожлантиришга ҳам энг устувор вазифалардан бири сифатида эътибор қар-тирилиб, босқичма-босқич олиб борилаётган ислохотлар шун-дай ютуқларнинг муҳим пойдевори бўлиб хизмат қилаётди. Хусус-ан, 1992 йил 28 январда Президентимиз томонидан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясини ташкил этиш тўғрисидаги Фармоннинг қабул қилиниши бу борада муҳим дастури-амал бўлди. Мамлакатимиз ИКАО — Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзосига айлан-ди, Миллий авиакомпаниямиз эса Халқаро ҳаво транспор-ти ассоциациясидан рўйхат-дан ўтди.

Казларидидаги аэропортлар тўлиқ модернизация қилинди. Хозирда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомп-анияси дунёдаги йирик авиа-компанияларни ўзида бир-лаштирган, йўловчи ва юк та-шиш бозорининг катта қис-мини назорат қилувчи «Sky Team» халқаро авиация аль-янсига қўшилиш борасида саъй-ҳаракатлар олиб бормоқда. Айтиш жоизки, ушбу альянс би-сан, 1992 йил 28 январда Президентимиз томонидан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясини ташкил этиш тўғрисидаги Фармоннинг қабул қилиниши бу борада муҳим дастури-амал бўлди. Мамлакатимиз ИКАО — Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзосига айлан-ди, Миллий авиакомпаниямиз эса Халқаро ҳаво транспор-ти ассоциациясидан рўйхат-дан ўтди.

Айни пайтда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиа-компанияси самолётлари юр-тимизнинг барча йирик ша-ҳарлари ва 45 дан зиёд хал-қаро йўналиш буйича парвоз-ларни амалга оширмоқда. Осиё, Европа, Америка, МДХ мамлакатларининг 40 дан ор-тиқ шаҳарларида эса унинг ваколатхоналари очилган. Миллий авиакомпаниямиз ҳар йили қарий 2 миллион нафар йўловчининг узоғини яқин қилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимиз фуқаро ави-ациясини ривожлантириш дав-лат дастури ишлаб чиқилди. Пойтахтимиз ва вилоят мар-

казларидаги аэропортлар тўлиқ модернизация қилинди. Хозирда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомп-анияси дунёдаги йирик авиа-компанияларни ўзида бир-лаштирган, йўловчи ва юк та-шиш бозорининг катта қис-мини назорат қилувчи «Sky Team» халқаро авиация аль-янсига қўшилиш борасида саъй-ҳаракатлар олиб бормоқда. Айтиш жоизки, ушбу альянс би-сан, 1992 йил 28 январда Президентимиз томонидан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясини ташкил этиш тўғрисидаги Фармоннинг қабул қилиниши бу борада муҳим дастури-амал бўлди. Мамлакатимиз ИКАО — Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзосига айлан-ди, Миллий авиакомпаниямиз эса Халқаро ҳаво транспор-ти ассоциациясидан рўйхат-дан ўтди.

Ш. ЗОКИРОВ.

ОЗОД, ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТ ЗАВҚИ

юртдошларимизнинг қалбига гурур ва ифтихор бағишламоқда

Мана, қарий бир йил-дирки, дунё оммавий ахборот воситалари тарқатаётган хабарлар орасида глобал молиявий-иқтисодий инки-роз масаласи асосий мав-зулардан бири бўлиб туриб-ди. Чунки таназул деярли барча мамлакатларга ўзи-нинг салбий таъсирини ўтказди, у туйғайи жаҳонда савдо ҳажми камайди, дав-латларнинг иқтисодий ри-вожланиш кўрсаткичлари бир неча йил орқага кетди. Энди уларни тиклаш учун йиллар керак бўлиши айтил-моқда.

Шундай мураккаб шароит-да «жон сақлаш» илинжида ҳар ким турли чораларни қўлламоқда. Хусусан, даро-мадлари кескин камайиб кетган бир қатор нудузли компаниялар иш ўринлари

сонини ноилж қисқартир-моқда, ходимлари маошини пасайтирмоқда, ҳатто айрим ҳудудлардаги офисларини пулламоқда. Булар қанчалик ўзини оқлаётгани алоҳида мавзу. Бироқ ушбу жараён-да аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масаласи яна бир жиддий муаммо бўлиб ўртага чиқётгани ва-зиятнинг чиндан-да мурак-каб эканлигини кўрсатиб ту-рибди.

Хорижий мамлакатлар сиёсий, таҳлилий ва эксперт доиралари вакиллари алоҳи-да эътироф этаётганидек, жаҳон молиявий-иқтисодий инкирзиш шароитида Ўзе-бекистонда иқтисодиётнинг на-фақат барқарор фаолият кўрсатишига, балки юқори

ўсиш суръатларини изчил таъминлашга ҳам эришил-моқда. Янгидан-янги иш ўринлари очилмоқда, аҳоли меҳнати муносиб рағбатлан-тирилиб, уларнинг даромад-ларини янада ошириш бора-сида ибратли чора-тадбир-лар қўлланил-моқда. Маса-яна бунинг ёрдамида иш ҳақи бюджет ташкилотлари-да 1,5 баробардан зиёд, бу-тун иқтисодиёт буйича эса 1,4 баробар оширилгани, аҳолининг реал даромадла-ри эса йил давомида жон бошига 23 фоиз кўпайгани бунинг ёрқин далилидир. 2008 йилнинг ўзида 660 миңдан зиёд янги иш ўри-нлари яратилгани алоҳида эътиборга сазовор. «Қишлоқ таракқиети ва фаровонлиги

йили» Давлат дастури, шу-нингдек, Инқирозга қарши чоралар дастурида ҳам одамларимизнинг ҳаётини бундан-да яхшилаш, фаро-вонлигини ошириш масала-лари устувор вазифалардан қилиб белгиланган. Президентимизнинг жорий йил 8 июлдаги «Иш ҳақи, пен-сиялар, стипендиялар ва иж-тимоий нафақалар миқдори-ни ошириш тўғрисида»ги Фармони аини шу мақсадни назарда тутди. Унга муво-фиқ, 2009 йилнинг 1 август-дан эътиборан, бюджет му-ассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,25 баравар оширилади.

(Давоми 2-бетда).

МАҲСУЛОТ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

УСТЮРТ кенгликларидида яратилаётган мўъжизалар, саҳро қаридан қазиб олинган турфа бойликлар мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилаётди.

Юртбошимиз Ислам Каримов та-шаббуси билан барпо этилган Кўнги-рот сода заводи йилга юз миң тон-нага яқин кальцийланган сода иш-лаб чиқариш қувватига эга. Қарийб

60 гектар майдонни эгаллаган завод-да маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми-ни ошириш борасида қўрилаган чора-тадбирлар ўз самараларини бермоқда.

Бу ерда 2008 йили 71 миң тонна юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқ-арилган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида 40 миң тоннадан ортқ маҳ-сулот тайёрланди.

Корхона маҳсулотларига хорижа ҳам талаб ортмоқда. Буни 2008 йилда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 6 миң тоннага яқини экспорт қилинганидан ҳам билиш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШНИНГ САЛМОҚЛИ САМАРАЛАРИ

Пойтахтимизда ўтган матбуот анжуманида Ўзбекистонда «Zenith Electronics» қўшма корхонасида «LG Electronics» маҳсулотларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳасини амалга оширишга оид ахборот тақдим этилди. Унда «Узелтехсанот» уюшмаси, «LG Electronics»нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва «Zenith Electronics» қўшма корхонаси раҳбарлари иштирок этди.

«Узелтехсанот» уюшмаси раиси ўринбосари А. Расу-лов мамлакатимизда Прези-дент Ислам Каримов ташаб-буси билан Тайёр маҳсулот-

лар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқ-аришни маҳаллийлаштириш дастури изчил амалга оши-рилаётганини таъкидлади. Бу борада Ўзбеки-стон ва Жанубий Корея корхонала-рининг ҳамкорлиги ёрқин ми-сол бўла олади. «Zenith

Electronics» заводидида 50 миңгатадан ортқ «LG» маиший саватқичларининг ишлаб чиқарилгани бунинг тасдиғидир.

«LG Electro-nics»нинг Ўзбеки-стондаги ваколатхо-наси раҳбари Чой Де Хо би-ноларда ҳавони айланттириш

ускуналарини ишлаб чиқариш буйича жаҳонда етакчи ҳисобланган ушбу компания Ўзбекистонда ўз маҳсулотла-рини сотишнинг комплекс дастурини амалга оширмоқ-да, деб таъкидлади. «LG Electronics» ваколатхонаси Тошкентда 12 йилдан буён самарали фаолият кўрсат-

моқда. Шу йиллар мобайни-да «LG» маҳсулотлари дилер-лари ва сотувчиларининг кенг тармоғи ташкил этилди. Фой-даланувчиларга қўлай бўли-ши учун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида 18 та сер-вис марказидан иборат тар-моқ шакллантирилди, Ўзе-бекистонлик харидорлар учун ўч йиллик кафолат мuddати тақдим этилган.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ

бўйлаб

Воқеалар,
янгиликлар,
хабарлар

ҚАШҚАДАРЁ бошоқли дон экинлари селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институтидида галлачиликни ривожлантириш истиқболига бағишланган халқаро семинар бўлиб ўтди.

Халқаро семинар

Унда Туркия, Непаль, Грузия, Арманистон, Озарбойжон, Қирғизистон давлатларидан вакиллар ва тадқиқотчи олимлар иштирок этди. Халқаро семинар қатнашчилари институт фаолияти, бу ерда яратилган шарт-шароитлар, селекциячи олимлар томонидан бошоқли дон экинлари ҳосилдорлигини ошириш, хусусан, бугднийнинг тезпишар, кур-гоқчиликка чидамли навларини яратиш борасида амал-га оширилаётган илмий тадқиқот ишлари билан яқин-дан танишдилар ва Узаро фикр алмашдилар.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

АНДИЖОН шаҳрининг «Сой» маҳалласида обод ва муҳташам гузар мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Маҳалланинг обод гузари

Мазкур мажмуа таркибида 500 ўринли маросим-лар зали, миллий таомлар ошхонаси, мебель сало-ни ва аҳолига турли сервис хизмати кўрсатиш шохобча-лари бор. «Фаровон дийр» масъулияти чекланган жа-мияти ташаббуси билан барпо этилган мажмуанинг ишга туширилиши ҳисобига 15 нафар маҳалла ёш-лари иш ўрнига эга бўлди.

О. ШОДНОАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

НАВОИЙ вилоятидаги «Зарафшон пахта сервис» масъулияти чекланган жамияти қошида янги биофабрика иш бошлади.

Биофабрика ишга тушди

Бу ерда ўза майдонларини турли зарарқундан-лардан асрайдиган фойдали хашаротлар тайёрланмоқ-да. Қисқа муддат ичида ушбу биофабрикада 4,5 мил-лионта «Олтнкўз» ва 15 миң дон «Бракон» хашарот-лари этиштирилиб, вилоятдаги 160 та фермер ҳўжа-лигига етказиб берилди.

Х. ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида даврий нашрларга 2010 йил учун обуна кампаниясининг бошланишига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Обуна кампанияси бошланди

Тадбирда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги вакиллари, мамлакатимиз бозоридида даврий нашрларни тарқатиш билан шуғулланувчи икки йирик компания — «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик комп-анияси ва «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жа-мияти раҳбарлари ҳамда газета ва журналлар таҳ-ририятлари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик комп-анияси бош директори С. Нажибиддинов ва «Ўзбеки-стон почтаси» очик акциядорлик жамияти бош дирек-тори Р. Қосимов 2009 йил 20 июлдан «Матбуот тарқ-атувчи» акциядорлик компаниясининг барча дўконлари ва «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти-нинг почта алоқа бўлимлари, обунани қабул қилиш шохобчаларида даврий нашрларга 2010 йил учун обуна кампанияси бошланишини маълум қилдилар.

(Давоми 2-бетда).

ЖИЗЗАХ вилоятининг Зомин туманида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан фольклор жамоаларининг «Улан айтгани келдик» анъанавий байрами ташкил этилди.

Зоминда фольклор байрами

Унда турли вилоятлардан келган фольклор-этно-график жамоаларнинг бадиий чиқишлари намойиш этилди. Фаол қатнашган жамоаларга вазирликнинг эсдалик совғалари топширилди.

Б. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Самолёт ҳалокатга учради

"IRNA" ахборот агентлигининг хабар беришича, Эронда "Caspian Airlines" авиакомпаниясига тегишли йўловчи ташувчи самолёт ҳалокатга учраган.



Маълумотларда келтирилишича, "Ту-154" русумли мазкур самолёт кўниш вақтида фожиага йўлиққан. Натижада унинг бортида бўлган 168 киши ҳалок бўлган. Самолёт Имом Хумайни халқаро аэропортидан парвозни амалга оширганидан кўп ўтмай кулаб тушган.

Фалокат сабаблари ўрганилмоқда.

Заводда портлаш

Хитой марказидаги кимёвий корхонада портлаш юз берди.

Бу ҳақда "Associated Press" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Хэнань музофотидаги Лоян шаҳрида жойлашган мазкур муассасада содир бўлган фалокат натижасида камида бир киши ҳалок бўлган, 108 нафар одам тан жароҳати олган. Шифокорлар шиканланганлардан етти нафарининг аҳоли оғирлигини маълум қилишган.



Хозирча бахтсизлик сабаблари ҳақида маълумотлар йўқ. Воқеа юзасидан текшириш ишлари олиб борилмоқда.

Жангарилар тан олишди

Бир неча кун олдин Афғонистон ҳудудида Молдова давлатига тегишли вертолёт уриб туширилган.

"Reuters" ахборот агентлиги хабарига кўра, мазкур хунрезлик "Толибон" жангарилар гуруҳи томонидан амалга оширилган экан. Бу маълумотни жангариларнинг ўзлари тасдиқлашган. Улар ҳақиқатдан ҳам "Чинук" русумли вертолётга ҳужум уюштирилганини тан олганлар.

"Интерфакс" ахборот агентлиги ахборотида қараганда, Афғонистонда "Ми-26" вертолётни уриб туширилган. Худди шундай маълумот Молдова фуқаро авиацияси давлат бошқармаси матбуот хазматига томонидан ҳам тарқатилди. Бошқарма вакилининг айтишича, Афғонистонда инсонпарварлик миссиясини бажараётган "Ми-26" русумли вертолётга ҳужум уюштирилиши натижасида у кулаб тушган. Ушундан унинг бортида учувчи ва яна олти нафар хориж фуқароси бўлган.

Хозирча мазкур қабиҳлик неча кишининг умрига зомин бўлгани ҳақида маълумотлар йўқ.

Вақтинча тинчлик эълон қилди

Нигер давлати ҳудудида бошқинчилик ҳаракатларини олиб бераётган "Нигер дельтасини озод қилиш ҳаракати" ("MEND") жангарилар гуруҳи вақтинчалик тинчлик эълон қилишган.




"MEND" жангарилари 60 кун мобайнида қуролли ҳаракатларда иштирок этмайдилар. Ушбу битим жорий йилнинг 15 июль санасидан қучга кирган.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, Генри Оку 2007 йилда қамоққа олинган. Ушундан унга нисбатан ҳоконуний қурол-яроғ савдоси билан шугулланганлик, давлатга хонлик қилганлик каби бир қатор айбловлар эълон қилинган.

Тарихда кузатилмаган

Жаҳонда кузатилмаган молиявий-иқтисодий инқироз дунёнинг аксарият давлатлари иқтисодиётига зарба бермоқда.



Жумладан, молиявий жиҳатдан анча бақувват саналган АҚШда айна пайтага келиб бюджет тақчиллиги рекорд даражасига етган. Мамлакат молия вазирлиги томонидан маълум қилинишича, мамлакатда бюджет тақчиллиги 1,086 триллион АҚШ долларини ташкил этмоқда. Биргина июнь ойининг ўзида бу борадаги кўрсаткич 94,318 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган.

Кузатувчиларнинг фикрига кўра, бу борадаги ахволнинг ёмонлашишига давлат томонидан инқирозга қарши чораларга йўналтирилмаган маблағлар миқдори ошиб бораётгани ва солиқ ставкалари камайирилиши сабаб бўлмоқда. Шунингдек, бюджет тақчиллигига Ироқ ва Афғонистонда олиб борилган ҳарбий ҳаракатларга сарфланган маблағлар ҳам сезиларли таъсир кўрсатган.

Таъкидлаш жоизки, мамлакат тарихида шу пайтгача бюджет тақчиллиги бир триллионлик довондан ошмаган экан.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



Натижада "Агробанк" аҳолининг ишонган банкига айланиб улгурди. Одамлар ва бу молия муассасаси ўртасидаги ишончнинг мустақамлашда, табиийки, мижозларга таклиф қилинаётган пластик карта — янги хизмат турининг ҳам алоҳида ўрни бор. Шунини алоҳида таъкидлаш кераки, пластик карталар юқори технологиялар асосида ишлаб чиқарилган. Бу эса хавфсизликни таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Эътиборлики, "Агробанк"да пластик карталар босқичма-босқич ташкил этилди. Ҳозирги кунда мижозлар ундан қилмоқчи бўлган ҳам самарали фойдаланмоқда. "Агробанк" томонидан "DUET Exchange" дастури тайёрланиб, ундан банк тизимида фойдаланаётганлиги, айниқса, мижозларга юқори сифатли хизмат кўрсатиш имкониятини вужудга келтирди.



Бугунги кунда "Агробанк"нинг мавжуд 186 та филиалида пластик карта хизмат тури ташкил этилган бўлиб, улар томонидан 971 мингта пластик карта мижозлар ўртасида жойлаштирилган. Бу пластик карталарга жорий йилнинг 6 ойи давомида 340 млрд. сўм маблағ жалб этилди. Савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини тўлиқ терминаллар билан таъминлаш мақсадида жорий йилнинг ўзида 3200 та терминал ўрнатилди. Натижада тизимдаги терминаллар сони 8465 тага етказилди. Бу — "Агробанк" тижорат банклари ўртасида энг катта терминаллар тармоғини яратди, деганлари.

Истиқлол мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш ҳамда эл маъмуричилигини оширишнинг янги-янги имкониятларини очиб берди. Амалга оширилаётган ислохотлар ҳар жабҳада ўз самарасини кўрсатмоқда. Иқтисодий янгиланишлар ҳақида сўз очилганда, банк-молия тизимидаги ўзгаришларга тўхтамасдан ўтиб бўлмайди. Хусусан, "Агробанк" иқтисодий тараққиётнинг барча босқичларида ислохотларни изчил амалга ошириб, банк амалиётларини сифатли бошқариш мақсадида интеграллашган ахборот таҳлилий тизимидаги ягона баланс базаси асосида аниқ ва шунинчи ишлаб келмоқда. Айниқса, кейинги йилларда аҳолига банк хизмати кўрсатишнинг турли имконият ва воситаларидан тўла фойдаланилаётир.

ҚУЛАЙ, ИШОНЧЛИ, ЗАМОНАВИЙ


пластик карталарни тарқатиш ҳисобига «Агробанк» ОАТБ бу хизмат турини янада кенгайтирмоқда

Ушбу терминаллар орқали жорий йилда 165 млрд. сўм маблағ айланмаси амалга оширилди.

маблағлар киримининг кунлик амалга оширилиши, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига

рида пластик карталар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада кенгайтириш кўзда тутилган. Табиийки, бу Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан "Агробанк" ОАТБ белгилаган дастурларда ҳам ўз ифодасини топган. Айни вақтда пластик карталар ҳисоб-китобларидаги маблағларга кунлик физик ҳисобланмоқда. Йиллик ҳисоб эса 14 фоизни ташкил этади.

Молия муассасаларида



2009 йилнинг 25 июнида "Агробанк" ОАТБ ўз мижозларига пластик карталар орқали хизмат кўрсатилишига бағишлаб семинар ўтказди. Вилоят ва туман филиаллари мутахассислари иштирок этган бу тадбир, аслида, янгилик эмас. Негаки, бундай семинарлар шу йилнинг ўзида 4-марта ўтказилди.

Тадбирда пластик карта ва терминалларнинг мижозлар ўртасида жойлаштирилиши, пластик карталарга терминаллар ўрнатиш ва уларга хизмат кўрсатиш борасида амалга оширилиши керак бўлган масалалар ўрганиб чиқилди. Ҳозирги кунда пластик карта хизмат турини такомиллаштириш, мижозларга янада қулайликлар яратишнинг самарали йўллари изланмоқда. Жумладан, ташкилот ва корхоналар, минибанклар, махсус кассаларда ҳам хизмат кўрсатиш ташкил этилмоқда. Пироваврида жорий йил охиригача қишлоқ жойла-

Бу эса мижозлар маблағлари ҳисоб рақамда бўш турмасдан, кўпайиб боришига сабаб бўлаётир. "Агробанк" мижозлар сонини янада кўпайтириш, уларга қулай, ишончли, хавфсиз

Ҳадемай, Истиқлолимизнинг 18 йиллик байрамини нишонлаймиз. "Агробанк" ОАТБ ҳам бу шодиёнини салмоқли меҳнат зафарлари билан қутиб олмоқда. Ана шу "туғфа"нинг асосини эса мижозларга кўрсатилаётган самарали ва сифатли хизматлар ташкил этади. Зотан, инсонларнинг ишончига қиршидан, уларнинг мушуклигини осон қилиб, кўнглини шодмон этмоқликдан ҳам ортиқроқ саодат борми?

«Агробанк» ОАТБ матбуот хизмати.

«НАҚД ПУЛСИЗ ТЎЛОВ АФЗАЛ ЭКАН» дейишмоқда Халқ банки мижозлари

Бугунги кунда том маънода "Оила банки"га айланган Давлат тижорат Халқ банки мамлакатимиздаги молиявий муассасалар орасида ўзига хос ўрнига эга бўлиб бормоқда. Бунга банкнинг Наманган вилояти филиали фаолияти ҳам ақвол мисол бўлиши олади. Айниқса, банк ва унинг шохобчаларида пластик карталар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимининг кенг жорий этилаётган мижозлар билан муносабатларини янада такомиллаштириш имконини бераётир.

Айтиш жоизки, айна пайтага келиб нақд пулсиз савдо қилиш усули кундалик ҳаётиимизда тобора фаоллашиб бормоқда. Буни бир йилда ушбу банк пластик карталаридан фойдаланаётганлари сони деярли тўрт баробарга ортаганидан, жорий йилнинг биринчи чорагида 16 мингта яқин мижоз хизматининг бу қулай туридан фойдаланаётганидан, банк терминаллари орқали бажарилган транзакциялар миқдори 795,8 миллион сўмдан ортаганидан ҳам билиш мумкин.

Қолаверса, жойлардаги 200 та коммунал тўлов шохобчаларининг аксарияти шундай воситалар билан хизматланган бўлиб, аҳоли табиий газ, ичимлик суви, электр энергияси ҳисоб-китобларини амалга оширишда улардан ҳеч бир қийинчиликсиз фойдаланмоқдалар. — Иш юритиш учун зарур бўлган кундалик харajatлар ҳамма ҳамма чикиб туради, — дейди Чуст туманидаги "Гулшан" фермер хўжалиги раҳбари, Олий Мажлис Сенатининг аъзоси Гулсанам Шокаримова. — Масалан, хўжалигимиз илчи-хизматчилари учун масалликни хар қили олиш керак. Бунинг устига машинага ёниги, ёзув-чизув учун қоғоз, дегандай. Илгари

мана шу майда харидлар учун таъминотчи корхоналарга банк орқали пул ўтказиб, тегишли молни олиш учун икки-уч кун вақт сарфлардик. Энди банкнинг корпоратив картаси жонимизга оро қирапти. Унинг ёрдамида ҳатто қасбодан гўшт ҳам олаёلمиз. Янгиликдан фойдалана бошлаганимизга ҳали икки ой тўлмаган бўлса-да, карточка ёрдамида бир ярим миллион сўмликдан зиёд савдо ишларини бажардик. Бундан ташқари, хўжалигимизнинг 30 нафар аъзоси ҳам пластик карточкадан фойдаланади.

Вилоятда "Гулшан" фермер хўжалиги сингари корпоратив карточка ишлатишни афзал билганлар кўпайиб борапти. Мисол учун, кейинги бир ҳафта ичида уларнинг сони яна юзгага кўпайди. — Президентимизнинг жорий йил 6 апрелдаги "Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси жараёнида яна бир хизмат тури — "O-z-to'lov" тўлов тизими амалиётга жорий этилди, — дейди Халқ банки вилоят филиали бошлиғи Баҳодир Жўраев. — Мижозга рес-

публика бўйича миллий валюта — сўмдаги ўтказмаларни жўнатиш ва банклардаги ҳисоб рақамларини бошқариш имкониятини берадиган бу янгиликдан фойдаланиш жуда осон. Унга Интернет, тўлов терминали, инфоюкслар орқали кириб, зарур амалиётни дақиқалар ичида бажариш мумкин. Айни чоғда тизимимизда "O-z-to'lov"нинг 92 та махсус пул қабул қилиш шохобчаси ҳам ташкил этилиб, уларда аҳолидан коммунал ва алоқа хизмати тўловлари қабул қилинмоқда.


Банкнинг вилоят филиали "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида ўзининг олис ҳудудлардаги тармоқларини кенгайтирмоқда. Жумладан, ярим йил давомида қишлоқларда 4 та минибанк ҳамда 6 та махсус кассалар очилди. Бундан ташқари, туманларда кичик бизнес эгаларининг 31 та лойиҳаси амалга оширилиб, уларга савдо, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этиш учун 565,2 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди. Эътиборли жиҳати, ишга туширилган мазкур шохобчаларнинг 19 таси терминаллар билан жиҳозланиб, нақд пулсиз тўловлар йўлга қўйилди.

Бундай чора-тадбирларнинг барчаси, молиявий муассасанинг фаолияти тобора кенгайиб бораётганидан далolatдир.

Н. ҚУДРАТИЛАЕВ.

«Росагропромснаб» МЧЖ ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

- УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
• 5 м³/соатдан 500 м³/соатгача БЎЛГАН ГАЗТАҚСИМЛАВИЧ ШКАФЛАРИ
• ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗМЕЪЁРЛАГИЧЛАР
• ПЭН ФИЛЬТРЛАРИ, ИЗО МУФТАЛАРИ



Махсулот сертификатланган. Т.ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90.

Манзил: Тошкент ш., Чилонзор маҳалласи, Ц.Давлати, 6-й.

Мўлжал — «Шуҳрат» дўкони жойлашган чоррақа.

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача 233-10-60 236-09-25 232-10-63 242-хона

SONATA Ҳўз йўлингни танла! Drive your way. КАФОЛАТ — 2 ЙИЛ. МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН. Hyundai Official Partner. Tel. 250-11-11

«Дармонқул ота»да гузар. Бўз туманидаги Дармонқул ота маҳалласида бунёд этилаётган замонавий гузар қишлоқ кўрғига кўрк қўшмоқда. Яхши хабар. «Одилжон Тўшбоев» фермер хўжалиги раҳбари О. Тўшбоев ташаббуси ва маблағи ҳисобига қад ростилаётган гузардан чойхона, савдо дўкони, ҳаммом ўрни олган. — Меҳнат қилиб даромад топишдан мақсад эл-юртта наф келтиришда, — дейди Одилжон ота. — Ҳамқишлоқларимиз учун қулайлик яратиб бераётганимиздан хурсандим. Айни пайтада ушбу мажмуада пардозлаш ишлари давом этаётир. И. ЭҒАМНАЗАРОВ.

ПП «SHIRCHIQ SHANXAY PLAST» ПРЕДЛАГАЕТ НАПОРНЫЕ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ ТРУБЫ. ДИАМЕТРОМ ОТ 16 ММ ДО 1 200 ММ ДЛЯ ГАЗА, ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ И КАНАЛИЗАЦИИ. Производит монтажно-укладочные работы. Адрес: г. Чирчик, ул. Амира Темура, 22. СКИДКИ ОТ ОБЪЕМОВ. Головной офис: г. Ташкент, ул. Шайхантавр, 36, 3-й этаж, бизнес-центр «АББА».

«Узретамирқуралиш» уюшмасига қарашли «Иркулинтраст» шўба корхонаси маънавий ўзгаришларни маълум қилиб, барча ташкилотлардан тегишли савдолар бўйича корхонанинг Самарқанд шаҳар, Рудакий кўчаси, 131-ўй, янги ярдик маънавия бир ой мўддат ичида мурожаат қилишларини сурайди.

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига



ДУНЁ НИГОҲИДАГИ ШАҲАР

Бундан бир неча минг йиллар аввал бугунги Тошкент ўрнида дастлабки манзилгоҳларни барпо этган бобоклонларимизнинг узоқни кўзлаб иш тутганликлари кишини ҳайратга солади.

Тарихий маълумотларга кўра, Тошкентнинг Сирғали туманидаги қадимий Чоштепа маҳалласи яқинида, ўрқороз боғлар орасига барпо этилган "Минг Ҳуриқ" номли жой шаҳарнинг энг қадимги тарихий манзилларидан бири бўлган.

Баҳор фаслида минг туп ўрик оппоқ бўлиб гуллаганини тасаввур қилиб кўринг: кўз олдидан гўзал манзара намоеъ бўлади. Шунда ажодларимизнинг ном танлаш борасида дид-нафосига таҳсин айтасиз.

Қадимда Тошкентни араблар ўз тилларига мослаб "Шош", хитойликлар "Чоч" деб, яна бошқалар турли номлар билан атаб келганлиги тарихдан маълум.

Буюк Илақ йўлининг чорраҳаларида бирида жойлашган бош кентимиз неча асрларки фарбу шарқ, жануб ва шимолдан келувчи карвонларга улкан ва бехатар кўрғон бўлиб хизмат қилмоқда.

Халқимизда ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида Тошкентнинг тарихий юбилейига қизиқиш тобора ортиб бораётганлиги ҳисобга олиниб, муҳтарам Президентимизнинг қарори билан юбилей тантаналари жорий йилнинг 1 ва 2 сентябрь кунлари — Истиқлол байрами шодиданлари билан бирга ўтказилиши белгиланди.

Пиримқул ҚОДИРОВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

БАХТИЁР БОЛАЛИК ҚУВОНЧИ

Ёзги мавсум — юртимизнинг хушманзара ва баҳаво гўшаларидаги сўлим оромгоҳлар гавжумлашадиган палла. Шу маънода, мактаб ўқувчиларининг бўш вақтини мазмулли ташкил этиш, турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш, ўғил-қизларни ҳунар ва спорт тўғрисида жалб этишда бундай масканлар муҳим ўрин тутганини қайд этиш жоиз.

Жиззах вилоятида ҳам ёзги оромгоҳлар, спорт-соғломлаштириш масканлари самарали иш олиб бормоқда. Айни пайтда вилоятнинг тоғли ҳудудларида 16 та болалар оромгоҳи фаолият кўрсатаётир. Ушбу масканларга турт минг нафарга яқин ўғил-қиз жалб этилган. Хусусан, Туркистон тоғ тизмалари бағрида жойлашган Ё. Норбеков номидаги болалар оромгоҳи уч сменада иш олиб бораётти. Вилоят ички ишлар бошқармасига қарашли бу гўша энг намунали болалар оромгоҳларидан бири саналади.

Шунингдек, Форш туманининг Каттабодгон, Емчи қишлоқларида "Зангори олов", "Матлуботчи", "Жилгача", "Коинот", "Табассум" сингари оромгоҳлар барпо этилган. Ёнма-ён жойлашган ушбу ҳордиқ масканларига бир вақтнинг ўзида минг нафарга яқин ўғил-қиз жалб этилади. Улар учун тарбиячи ва етакчилар раҳбарлигида ранг-баранг бадий дастурлар, спорт мусобақалари уюштирилмоқда.

— Аънаёна айланган ўзига хос спартакиадаимизда бу йил оромгоҳга яқин ҳудудларда жойлашган 2, 6, 7-умумтаълим мактабларидан ҳам жамоалар иштирок этди, — дейди "Зангори олов" оромгоҳининг раҳбари Шухрат Тиллабоев. — Футбол, волейбол, сузиш, енгил атлетика, шахмат-шашка мусобақалари мурасасиз беллашувларга бой бўлди. Бу каби тадбирлар ёшларни қилганлиги эътиборга моликдир. Вилоят "Ёш техниклар" иходиёти маркази, Биозкосан, Ёш сайёҳлар ва ўлкашунослар сингари ўқув марказлари ташаббуси билан ташкил этилаётган тури кўрғазма ва саёҳат-

Ёзги таътил

лар болаларнинг маънавий дунёқарашини кенгайтиришга, интеллектуал қобилиятини кенг намоеъ этишга хизмат қилаётди. Бу каби тадбирларни ташкил этишда вилоят "Ўқувчилар саройи" услубчиларининг "Ёз — 2009" номли тавсияномаси, шунингдек, ҳудуд марказидаги спорт мактаби мутахассислари ташаббуси билан ишлаб чиқилган "Оромгоҳларда жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида" каби услубий қўлланмалар қўл келаётир.

Халқ сўзи

соғлом турмуш тарзига одатлантириш, ўғил-қизларнинг спортда улкан ғалабаларни кўлга киритишга бўлган иштиёқини кучайтиришга хизмат қилаётти. Шунини мамнуният билан қайд этиш жоизки, мавжуд 16 та оромгоҳнинг Маънавий хоналарини вилоят ахборот-кутубхона маркази ва унинг жойлардаги филиаллари бадий адабиётлар ва кундалик матбуот нашрлари билан таъминлаб турибди. Бундан ташқари, ўғил-қизлар қалбидан она юртва муҳаббат ва садоқат ҳиссини шакллантириш мақсадида оромгоҳлар мутасаддилари ҳудуддаги тарихий гўшаларга, юртимизнинг зийратгоҳ шаҳарлари ва саёҳатлар уюштирилмоқда. Саёҳат асосида болажонларга тарихий ёдгорликларимизнинг кадр-қиммати, улус ажодларига хос эзгуликлар ҳусусида ҳўққа қўлиниб, улар онг шуурига буюк ўтмишимиз билан ғурурланиш тўғриси синг-дирилмоқда.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

НАВҚИРОН АВЛОД КАМОЛИ

юртнинг ёруғ истиқболи демакдир

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги "Қамол авлод" номли боғча-мактаб мажмуасида ёш авлоднинг мавжуд салоҳият ва иқтидорини юзага чиқариш борасида ибратли ишлар амалга ошириляпти. Муассасада 450 нафар ўғил-қиз янги ва замонавий педагогик услублар асосида таълим-тарбия олмақда.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

— Бундан ўн уч йил аввал боғчада иқтидорли болаларнинг мактаб-синфини ташкил этгандик, — дейди муассаса директори Маъмура Комилова. — Махсус дастур асосида олиб борилган комплекс машғулотлар ижобий самара бергач, шундай гуруҳлар сафини аста-секин кенгайтириб бордик. Айни пайтда бошланғич таълим йўналишидаги ўнга гуруҳда 300 нафар ўғил-қиз сабоқ олмақда. Улар дарсадан сўнг спортнинг сузиш, теннис, шахмат, шашка, таэквондо турлари бўйича кўшимча

машғулотларга қатнайдилар. ... Ховлида бир гуруҳ болақайларни учратдик. Бу қандайдигана боғчада ўтказилган "Гул марафони"да ғолиб деб топилган гуруҳ экан. Ўзлари учун ажратилган майдончага турфа гул кўчатларини ўтказган жажжилар айни пайтда ниҳолларни парварийлаш, ёрни юмшатиш каби юмушларни бажаришга кўн билан киришишган. — Бундай машғулотлар фарзандларимизнинг эзгу фазилатлар соҳиби бўлиб

камол топишига хизмат қилади, — дейди гуруҳ раҳбари Манзура Саиджамолова. — Негаки, тарбия жараёнидаги бу сингари усуллар болажонлар феъл-атворида она табиитини асраш, юрт ободлигига ҳисса қўиш, бунёдкорликка интилиш каби ҳислатларни шакллантиради. Фарзандларимиз табиат бойликларида оқилона фойдаланишга ҳозирдан одатланишяпти, ўсимликлар, дов-дарат ва гулларга озор етказмаслик каби

ибратли одатлар бугун уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатида намоеъ бўлмоқда. Ўғил-қизларнинг етук маънавий фазилатлар соҳиби бўлиб улғайишларини таъминлашга қаратилган бу каби янги усуллар, ҳақиқатан ҳам, таълим-тарбия жараёнида беқиёс аҳамият касб этади. Гувоҳи бўлганимиздек, бугун бу борда самарали кўрсаткичларга эришиш учун баҳолиқудрат ҳаракат қилинмоқда.

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Ибрат

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

Халқаро дзюдо федерацияси дунё полвонларининг янги рейтингини эълон қилди.

Дзюдочимиз кучли учликда

Аҳамиятлиси, рейтингда кучлилар сифатида эътироф этилган дзюдочилар орасида Пекин Олимпиадаси бронза медали совриндори, ўзбекистонлик Ришод Собиров ҳам бор. Ришод 60 килограмм вазн тоифасидаги дзюдочилар рейтингида голландлик Жерун Мурен билан бир хил — 392 очко тўплаб, иккинчи ва учинчи ўринларни бўлишиб турибди.

Биринчи ўринда 572 очко жамгарган австриялик дзюдочи Людвиг Пайшер қайд этилган.



Франсиско Валехо (Испания) — Анатолий Карпов (Россия) 1:0, Хулио Гранда (Перу) — Хикари Накамура (АҚШ) 0,5:0,5, Пабло Сан Сегундо (Испания) — Пётр Свидлер (Россия) 0,5:0,5.

Испаниянинг Сан-Себастьян шаҳрида давом этаётган халқаро шахмат фестивали қизгин паллага кирди.

Хамюртимиз, собоқ жемчиони Рустам Қосимжон олтинчи турда перулик Хулио Грандани мағлубиятга учратишга муваффақ бўлган эди. У еттинчи турда словакиялик Сергей Мовсесянга қарши қора донларда уйнаб, дуранг натижага эришди.

Бешта дуранг, бир ғалаба

Еттинчи турнинг қолган ўйинлари қуйидагича якунланди: Руслан Пономарёв (Украина) — Максим Вашье-Лагров (Франция) 1:0, Максим Вашье-Лагров (Франция) 1:0, Хулио Гранда (Перу) — Хикари Накамура (АҚШ) 0,5:0,5, Пабло Сан Сегундо (Испания) — Пётр Свидлер (Россия) 0,5:0,5.


Мусобақада 5,5 очко тўплаган америкалик Хикари Накамура пешқадамлик қилмоқда. Ҳозирча бешта дуранг, битта ғалабага эришган Рустам Қосимжон 3,5 очко билан бешинчи ўринда бормоқда.

«Бунёдкор» учун танарфуз қисқарди

Футбол бўйича мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони — «Бунёдкор» 23 ва 30 сентябрь кунлари Жанубий Кореянинг «Похан Стилёрз» клуби билан Осиё чемпионлар лигаси чорак финали доирасида аввал Тошкентда, кейин Жанубий Кореяда куч синашади.

Ўзбекистон Профессинал футбол лигаси халқаро майдонларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётган «Бунёдкор» жамоасига қўлайлик яратиш мақсадида «Шуртан»га қарши кенгадиган учрашувни 26 сентябрдан 25 июлга кўчирди. Шундай қилиб, «Бунёдкор» жамоасининг давра оралигидаги таътили бир оз қисқарадиган бўлди.

З. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.



INTEGRAL ASIA Dell ... от карманных компьютеров до серверов... Технологии, обеспечивающие уверенность 3 года полной гарантии!!! Тел.: 124-30-27, 120-30-27, 120-30-28. Факс 120-30-26.

Ёш футболчилар баҳси

Навоий шаҳрида маҳалла болалари ўртасида «Футболчимиз келажиги» республика мусобақасининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Бухоро ва Навоий вилояти ёш футболчилари ўзаро беллашдилар. Болалар спортини ривожлантириш, айнакча, футболни оммалаштириш, иқтидорли ёшларни излаб топилмақсадида ўтказилаётган беллашувда Навоий, Сурхондарё ва Бухоро вилоятлари футболчилари муваффақиятли иштирок этдилар.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 37593 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25. ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 22.00 Топширилди — 23.20

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орипов. Навбатчи муҳаррир — А. Қутбидинов. Навбатчи — З. Худойшукров. Мусаҳҳах — Ҳ. Топшўжаев.